

«Олой дехкон бозори» АЖ
акциядорларининг 2015 йил
09 июндаги навбатдан ташкари
умумий йигилиши томонидан

ТАСДИҚЛАНГАН

Умумий йигилиш раиси

**«Олой дехкон бозори» акциядорлик
жамиятининг**

**Ижроия органи тўғрисидаги
НИЗОМИ**

(янги таҳрири)

Тошкент шаҳри – 2015 й.

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалари	3
2. Жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш тартиби.....	3
3. Жамият Директорининг ваколатлари.....	4
4. Жамият Директорининг жавобгарлиги.....	5

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом «Олой дехкон бозори» акциядорлик жамияти (бундан бўён Жамият деб юритилади) ижроия органини ва унинг фаолият тартибини, сайлашни, шунингдек унинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўғрисида» Конун (бундан бўён матнда Конун деб юритилади) хамда Жамият Уставига мувофик ишлаб чикилган.

1.3. Жамият ижроия органи раҳбари-директори ўз ишини конунчилик, жамият устави ва акциядорлар Умумий йигилиши карори билан тасдиқланган мазкур «ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

2. Жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш тартиби

2.1. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини (директорни) сайлаш (тайинлаш, ёллаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги Кузатув кенгашининг карори, одатда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида кабул қилинади.

2.2. Директор номзодини кўриб чикилганда ва тасдиқланганда карор олдий кўпчилик овоз билан кузатув кенгаш томонидан кабул қилинади.

2.3. Директорга номзод жамиятга ўзининг жиной жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

2.4. Ижро этувчи орган таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан кузатув кенгаш раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш микдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.5. Директорга номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чикилаётганда кузатув кенгаш мажлисида катнашишлари мумкин.

2.6. Директор таклиф қилинган номзодни кузатув кенгаш томонидан тайинлангандан кейин у билан мажбуриятларни бажариш юзасидан контракт тузилади. Директор билан контракт уни узайтириш мумкинлиги ёки тухтатиш тўғрисида хар йили карор кабул қилинган холда бир йил муддатга тузилади. Шартномани жамият номидан кузатув кенгаш раиси ёки кузатув кенгаш томонидан вакил қилинган шахс имзолайди.

2.7. Акциядорлик жамиятининг директори жамиятнинг уставини, шунингдек контракт шартларини бузганлиги учун бир вактнинг ўзида контракт бекор қилинган холда эгаллаб турган лавозимидан чакириб олиниши мумкин. Жамиятнинг директори чакириб олиш ва у билан тузилган контрактни бекор қилиш хақидаги карор кузатув кенгаши томонидан кўпчилик овоз билан кабул қилинади.

2.8. Кузатув кенгаш директори билан тузилган шартномаларни улар томонидан купол бузилишларга йўл кўйилганда ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши барбод қилинганда муддатидан олдин тўхтатиш хукуқига эгадир.

3. Жамият Директорининг ваколатлари

3.1. Жамият директорининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килишга доир масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият директорининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

Акциядорлар умумий йигилишининг ва жамият кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш, бажарилаётган ишларни хамда хизмат кўрсатилаётган нархларини тасдиқлаш;

жамият номидан ишочномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан битимлар тузиш;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

штатларни тасдиқлаш хамда унга тегишли ўзгартиришлар киритиш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлаш;

жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўйруклар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

жамият фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайерлаш учун кузатув кенгашига таклифни киритиш;

жамият номидан хужжатларни имзолаш;

конун хужжатларида жамият мол-мулкини ва пул маблагларини тасарруф этиш;

жамият номидан харакат қилиш учун ишончномалар бериш;

банкларда хисоб-китоб ва бошка ракамлар очиш;

муовинлар орасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича кўлланмаларни тасдиқлаш;

жамиятнинг акциядорлар умумий йигилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;

жамият кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар умумий йигилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3.3. Директор куйидагиларга мажбур:

Жамиятнинг йиллик бизнес-режа, акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгashi карорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамият ва унинг ходимлари томонидан жамият фаолиятида конунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия хисоби ва хисботининг тегишли холати ва ҳаққонийлигини ташкил қилинишини таъминлаш;

бир йилда бир марта акциядорлар умумий йигилишида йиллик хисоботи тўгрисида хисобот тақдим этиш;

хар чоракда кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес режаси бажарилишининг холати тўгрисида хисобот бериш;

тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида жамиятнинг хар йилги молиявий ва бошка хисоботи, фаолияти тўгрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вактида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат килиш;

акциядорларга конунчилик билан бериладиган хукукларини химоя килишини таъминлаш;

маъмурий харажатлар хисоби ва бошқалар билан тасдикланган маблаглар доирасида мол-мulkни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларни ижровини таъминлаш;

конунчилик ва мазкур Уставига мувофиқ бошка мажбуриятлар.

3.4. Директорни моддийрагбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

4. Жамият Директорининг жавобгарлиги

4.1. Жамият Директори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши хамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдида жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг хаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) жамиятта етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўгрисидаги даъво билан директор устидан судга мурожат килишга хакли.

4.3. Агар директор жамият томонларидан бири хисобланган битишувдан молиявий манфаатдорлиги тўгрисида хабар беришга мажбур ва овозга кўйилганда катнашмайди.

4.4. Директор унга хизмат мавқеи билан берилган хукуклардан ўзи меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг максадлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

4.5. Жамият директори жамият мол-мulkини тасарруф килишдан шахсий фойда кўриш бўйича харакатларга йўл кўймаслиги керак.

4.6. Жамият директори даврида фаолияти жамият махсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик тўғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш хукукига эга эмаслар. Директор жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиши тўгрисида акциядорлик жамияти кузатув кенгашини хабардор қилмоги лозим.

4.7. Жамият директори ўз манфаатларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятта етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалда конун хужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ хажмида жамият олдида жавоб берадилар.